

**“O’ZKIMYOSANOAT”  
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**BUYRUQ**

2022-yil “16” noyabr

175-son

Toshkent shahri

**“Korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi  
ichki me’yoriy hujjatlarni tasdiqlash  
to‘g‘risida”**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasining 2020-yil 4-sentyabrdagi 02-2488-sonli topshirig‘i va Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining 2021-yil 18-oktyabrdagi 01-07/6859-sonli xati hamda “O’zkimyosanoat” AJ tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish hamda uning oldini olish bo‘yicha tasdiqlangan “Yo‘l xaritasi” talablari ijrosini ta’minlash maqsadida

**BUYURAMAN:**

1. Mazkur hujjatlar ijrosini ta’minlash hamda qonunchilik talablari asosida kiritilgan o‘zgartirishlarni inobatga olgan holda quyidagi me’yoriy hujjatlar qayta tasdiqlansin:

-“O’zkimyosanoat AJ va uning tarmoq korxonalarida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash va baholash Uslubiyoti” 1-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat» AJ ijro apparati va uning tarkibiga kiruvchi tarmoq korxonalarida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimining holati to‘g‘risidagi hisobotni shakllantirish va taqdim etish bo‘yicha Reglament 2-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat” AJga aloqa kanallari orqali korrupsiyaviy xatti-harakatlar to‘g‘risida kelib tushgan xabarlarni qabul qilish va ko‘rib chiqish Reglamenti” 3-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat” AJ va uning tarmoq korxonalarida manfaatlar to‘qnashuvini boshqarish bo‘yicha Nizom” 4-ilovaga muvofiq.

2. Ro‘yxatga olish va ijro intizomini nazorat qilish bo‘limi (Salixov) “O’zkimyosanoat AJ xodimlarini shaxsiy imzolari orqali mazkur me’yoriy hujjatlar bilan tanishtirishni ta’minasin.


3. Korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi ichki me’yoriy hujjatlarni tasdiqlanganligi to‘g‘risidagi axborotni matbuot kotibi (Eshbekov) O’zkimyosanoat AJning rasmiy veb-saytlarida va boshqa ijtimoiy tarmoqdagi sahifalarida keng yoritilishini ta’minasin.

4. “O’zkimyosanoat” AJ Ro‘yxatga olish va ijro intizomini nazorat qilish bo‘limi (Salixov) ushbu buyruqni “O’zkimyosanoat” AJ tarmoq korxonalariga o‘z vaqtida yetkazilishini ta’minasin.

5. “O’zkimyosanoat” AJning 2020-yil 19-noyabrdagi 103-sonli buyrug‘i, 2020-yil 9-noyabrdagi 88-sonli buyrug‘i, 2020-yil 9-oktyabrdagi 87-sonli buyrug‘i, 2021-yil 30-dekabrdagi 176-sonli buyrug‘ining 1-ilovasi o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblansin.

6. Mazkur buyruqning ijro nazoratini o‘z ~~zurraminda~~ qoldiraman.

Boshqaruv raisi v.v.b.



J. Korjikov

*“Ўзқимёсаноат” АЖнинг  
2022 йил 16 ноябрдаги  
175-сонли буйругига  
2-Илова*

**«Ўзқимёсаноат» АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига кирувчи тармоқ  
корхоналарида коррупцияга қарши қурашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги  
хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича  
РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент «Ўзқимёсаноат» АЖ ижро аппарати ва унинг тармоқ корхоналарида (кейинги ўринларда – Жамият) да коррупцияга қарши қурашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги хисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Жамиятда коррупцияга қарши қурашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича хисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) ходимлари зиммасида (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) бўлади.

Жамиятнинг таркибига кирувчи тармоқ корхоналарида хисоботни тақдим қилиш учун маъсулият таркибий тармоқ корхоналарнинг коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим (Комплаенс хизмати ходими) (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси ходими) зиммасида бўлади.

**2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги**

3. Жамиятда қўйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) Жамиятда коррупцияга қарши қурашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, Жамиятнинг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат тузилмалари (Комплаенс хизмати) томонидан мазкур Регламентнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши қурашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) томонидан мазкур Регламентнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

5. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Регламентда белгиланган тартибда ва муддатларда, Жамиятда коррупцияга қарши қурашиш тизимининг ҳолатидан,

шунингдек, хисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

6. Йилнинг IV чораги учун хисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик хисобот тайёрланади.

7. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик хисобот Жамият бошқаруви раисига (Жамият Кузатув кенгашига) топширилади.

Жамиятнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Жамиятнинг умумий хисботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

8. Жамиятнинг йиллик хисботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Жамиятнинг Ички назорат тузилмалари (Комплаенс хизмати) томонидан тайёрланади.

### **3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида хисботни шакллантириш тартиби**

9. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги хисбот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Жамиятнинг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

10. Хисобот ҳар чоракда Ички назорат тузилмалари (Комплаенс хизмати) томонидан хисбот давридан кейинги ойининг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Жамият раҳбарига (Жамият Кузатув кенгашига) кўриб чиқиш учун топширилади.

11. Хисботни шакллантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) хисбот давридан кейинги ойининг 2 санасидан кечиктирмай, Жамиятнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) масъул ходимларга ушбу ойининг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ хисбот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Жамиятнинг марказий аппарати бўлинмаларининг хисботи Жамиятнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) томонидан тузилади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тұғрисидаги хисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганини сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Жамиятнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) ушбу Регламентга 2-иловада кўрсатилган шаклда Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тұғрисидаги умумий хисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Регламентга 1-иловадаги шакл бўйича Жамият тизими бўйича тузилган хисоботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисоботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисобот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

12. Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тұғрисидаги хисоботлар ва Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тұғрисидаги умумий хисоботни тузишида Ички назорат тузилмалари тешишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш хуқуқига эга.

13. Ички назорат тузилмаси қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тұғрисидаги умумий хисоботини хисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Жамият бошқаруви раисига тақдим этади.

#### **4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тұғрисидаги хисоботни шакллантириш тартиби**

16. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тұғрисидаги хисобот ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

17. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тұғрисидаги хисобот Ички назорат тузилмаси томонидан Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тұғрисидаги умумий хисобот билан бир вактда тузилади.

18. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тұғрисидаги хисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

## **5-боб. Якуний қоидалар**

19. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички идоравий хужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Регламент қайта кўриб чиқилиши лозим.

Регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Жамиятнинг марказий аппаратдаги Ички назорат тузилмаси маъсул бўлади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг  
таркибига кирувчи тармоқ корхоналарида  
коррупцияга карши курашиш тизимининг  
холати тўғрисидаги хисоботни шакллантириш  
ва тақдим этиш бўйича  
Регламентига 1-Илова

### **Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўреатиши тўғрисида хисобот**

<b>Жамият номи:</b>	
<b>Хисоботни тайёрлаган ҳодим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):</b>	ФИШ, лавозими, тузилмаси
<b>Хисобот даври:</b>	
<b>Хисобот тайёрланган сана:</b>	

T/p	Тадбирлар гурухининг номлари	Тадбирларнинг номлари	Бажарниш муддати	Маъсул ижрочилар	Ижро этилмаган бўлса, ижро етилиши кутилаётган муддат	Бажарилганини тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари	

T/p	Тадбир	Нитижалар
<b>II. Сиёсаллар ва процедуралар</b>		
1.	Ички хужжатларни мославтириш	Жамиятда хисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга карши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлгаги ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кескмида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янти коррупцияга карши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга карши масалаларни тартибга солувчи ички хужжатларни ишлаб чикиш.	Хисобот даврида ишлаб чикилган ва тасдиқланган коррупцияга карши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга солувчи ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
<b>II. Шахсий намуна</b>		
3	Жамият бошкаруви раиси ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чикишлари (путки).	3-6-бандларда Жамият тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг конунчиллик талабларига риоя килинш, коррупцияга иисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинимада белгиланган коррупцияга карши назорат ва тартиб-таомилларга амал килишининг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очиқ эътироф

		Этилтган тадбирларни кўрсатиш лозим.
4.	Коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Жамият бошкаруви раиси ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Жамият бошкаруви раиси ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-муроҳазалари.	
<b>III. Хавф-хатарларни баҳолаш</b>		
6.	Жамиятда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиши	Ха ўтказилган ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (кайси боскичдалиги кўрсатилади)
7.	Ҳисобот даври учун Жамият да иш жараёнда янги аникланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юкори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар кайси жараёнларда аникланганилиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Кандай коррупциявий хавф-хатарлар кайта баҳолайди, янги даража, баҳони ўзгартирниш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар каритаси илова килинади.
8.	Ҳисобот даврида аникланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар юкори бўлган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик таваккал юкори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10.	Қолдик коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аникланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдик коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
<b>IV. Коррупцияга карши амалга оширилладиган тартиб-таоминлар</b>		
11.	Жамиятда аникланган манфаатлар тўқнашувини ҳолатлари ва кабул килинган чоралар	Жамиятда аникланган манфаатлар тўқнашувини ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аникланган манфаатлар тўқнашувини ҳолатлари реестрини илова килиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таоминларидан ўтгаи ходимларнинг Жамиятдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таоминларидан ўтгаи ходимларнинг Жамиятдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Жамиятга ишга қабул килинган ходимлар сонини ва Жамиятдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14.	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15.	Амалга оширилладиган бошка коррупцияга карши тартиб-таоминлар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлгандаги кўрсатилмаган бошка амалга оширилладиган коррупцияга карши тадбирларни кўрсатиш.
<b>V. Тальим ва коммуникация</b>		
16.	Коррупцияга карши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш.  барча ходимлар учун;  коррупциявий тавакхалчилликка энг кўпроқ мойиллик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимларни даражаси ва бўлинималарни кўрсатиш.

	бўлинмалар учун.	
17.	Жамиятта яқинда ишга олнигай ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга карши курашин масалалари бўйича тренинглардан (умумий, тапишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фонзлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш
18.	Ходимларнинг коррупцияга карши конунчиллик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга карши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошка тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг максадли гурухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалалар, таъзовлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг якунларини кўрсатиш.
19.	Коррупцияга карши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга карши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- таркатма материаллари.	Коррупцияга карши талаблар ва тартиб-таомилларга амал килиш зарурини тўгрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талкин килиниши ва уларга тўғри амал килиш тўгрисидаги хабарнома ва бошка таркатма материаллар.
20.	Ходимларнинг ахлок-одоб маданийтини шакллантириш, уларни коррупцияга карши кураш тизими ва коррупцияга карши конунчилликнинг талаблари хакида хабардор кишишнинг бошка усуслари.	Масалалар, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошка материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига кўйиладиган суратлар ва бошкалар.
21.	Фукаролик жамияти ва бўлнима контрагентлари учун коррупцияга карши тадбирларни ўтказиш	Фукаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга карши тадбирларин ўтказилишнинг сони, номланиши, мохияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга карши кураш куни, коррупцияга карши мавзудати ишлар ташлови).  Шартномаларнiga коррупцияга карши кўгшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги контрагентларниң умумий сонига фоизлардаги нисбати.

#### VI. Коррупцияният хатти-харакатлар ва қондабузарниклар тўгрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари

22.	Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини куйидаги маълумотларни хам кириттаги ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси - келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисоботиин илова килиш.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган;  Коррупцияга карши конунчиллик бузилганини тўгрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-кукукий хужжатлар ва маколалар кесимида) аниқланган;  Бўлинмада белгиланган коррупцияга карши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички хужжатлар кесимида);  Айборлар аниқланган ҳолатлар сони.	Хар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24.	Кабул килинган таъсир чоралари.	Кандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида кандай камчилликлар аниқланди ва назоратига кучайтириш учун кандай чоралар тақлиф килинди.

#### VII. Мониторинг ва назорат

25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга карши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганини	Жамият да коррупцияга карши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини куйидаги кесимида кўрсатиш  Текширув объектлари (бошкарма, бўлим);  Текширув мавзуси (масадаи, харидлар, кадрлар);  Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралари ва б.);
-----	--	--

		Текширув тадбирларнан характеристика (режали, режадаң ташкары).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва ушарга нисбатан кўллаштирилган таъсир чоралари?	<p>Кайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда кандай қондабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш.</p> <p>Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун кандай тавсиялар тайёрланган. Улар кандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошқа ички хужжётлар)?</p>

**Хуносалар:** Худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупцияга карши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга карши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурят тугилганда аввалги даврлар кўрсатичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, коникарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга карши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси; келгуси ҳисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг  
таркибига киувчи тармоқ корхоналарида  
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати  
тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва  
такдим этиш бўйича  
Регламентига 2-Илова

**Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши  
тўғрисида 20\_\_ йил \_\_-чи чорак учун  
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Жамиятнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани  
тўғрисида умумий ахборот<sup>1</sup>**

Жамият томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киувчи тармоқ корхоналари кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Тармоқ корхоналари кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, хисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қискача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

**II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва хисобот даврида “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киувчи тармоқ корхоналари кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллукли бўлган норматив-хукуқий ва ички ҳужжатлар (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўрикномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш<sup>2</sup>**

Жамият томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган ижро аппарати ва унинг тизим корхоналари кесимида кўрсатиш керак;

<sup>1</sup>Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда хисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қўйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирланик қўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида хисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият тугилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, коникарли натижаларга эришганлик/эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

<sup>2</sup> Бўлим факат ҳар йиллик хисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубистига мувофик амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган тизим корхоналари кўрсатилади, шунингдек ҳисботта иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганилиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига кирувчи тармоқ корхоналари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисбот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юкори, ўрта, паст) ижро аппарати ва тармоқ корхоналари кесимида кўрсатилади;

Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари кесимида Жамият учун юкори бўлган колдик коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар**

##### **Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида<sup>3</sup> (мавжуд бўлган тақдирда), Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари кесимида кўрсатилади;

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Жамият бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган тармоқ корхоналари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса факат 50% гина раҳбар буни бажарган);<sup>4</sup>

Тизим корхоналари кесимида Жамият тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва

<sup>3</sup> Манфаатлар тўқнашувини декларация килиш ҳисбот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

<sup>4</sup> Ахборот факат йиллик ҳисботда тўлдирилади.

тоифалар кесимида (масалан, харид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

### **Коррупцияга қарши қоидаларни Жамият шартномаларига киритиш**

Коррупцияга қарши қоидаларни Жамиятнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан “Узкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киравчи тармоқ корхоналари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш;

“Узкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киравчи тармоқ корхоналари кесимида Жамият тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.

### **Контрагентларни текшириш**

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати “Узкимёсаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналари кесимида кўрсатилади.

### **Ишга номзодларни текшириш**

“Узкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киравчи тармоқ корхоналари кесимида Жамият тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

### **V. Таълим ва коммуникация**

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишининг натижаларини “Узкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибига киравчи тармоқ корхоналари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

“Узкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибига киравчи тармоқ корхоналари кесимида Жамият тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўнилмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган холда);

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, Жамият тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

## **VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва хукуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар**

Хисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибиغا кирувчи тармоқ корхоналари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар коидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

## **VII. Мониторинг ва назорат<sup>5</sup>**

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибиغا кирувчи тармоқ корхоналари кесимида ҳисббот даврида Жамият тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган Жамиятлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характеристи тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Коидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисбботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

## **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганилиги тўғрисида “Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг таркибиغا кирувчи тармоқ корхоналари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

<sup>5</sup> Ташкилотда ҳисббот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофик ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Жамият ички хужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Жамиятда қабул килинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни тизим корхоналари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айборларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; Жамият тизими жараён ва ички хужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл кўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

#### **IX. Холосалар**

Жамият тизимида худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга карши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятта кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

#### **X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Кейинги ҳисобот даврида Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармок корхоналари кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

“Узкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ва унинг  
таркибига кирувчи тармоқ корхоналарида  
коррупцияга карши кураш тизимининг ҳолати  
тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва  
тақдим этиш бўйича  
Регламентига З-Илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган  
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги  
ХИСОБОТ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар